

2012 2

Ишбилармон, мардлик ва ишжонат соҳиб, аъми қатъий, тadbirkor ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тadbirsиз, лоқайд кишилардан яхшидир.



XASR

ITIMOY-SIYOSIY
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқа бошлаган,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

2012 йил 5 январь, пайшанба
01-(425)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



«Тadbirkorlik тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси минглаб аёлларни ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий билим ва кўникмаларини бойитиши билан бирга уларни хусусий бизнесга кенг жалб этиш имконини ҳам берди



2011 йилда мамлакатимизда етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини қишлоқ мулкдорлари — фермерлар томонидан тайёрланди



Worldreferee.com сайти Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматовни 2011 йилги футбол мавсумининг «Энг яхши ҳаками» деб эълон қилди

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ИСЛОҲОТ

ЎЗБЕК СПОРТИ

ДЕПУТАТЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУН

ЎРТА КАТЛАМ ФАОЛИЯТИГА
ТЎҒРИСИДА»-ГИ ҚОНУНГА ЎЗГАРТИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»-ГИ
ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

2012 йилнинг 4 январидан бошлаб «Давлат статистикаси тўғрисида»-ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун кучга кирди.

Мазкур ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоларининг «Адолат» СДП ва «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзолари билан ҳамкорликдаги қонунчилик ташаббуси натижасидир. Маълумки, ўтган йилда О'zLiDeP фракцияси аъзолари умумий қарашлари яқин бўлган масалаларда бошқа фракциялар вакиллари билан ҳамкорлик қилиш тажрибасидан унумли фойдаланиб, ўз навбатида, партия электорати учун муҳим бўлган қонунчилик ташаббусларини қабул қилиш имкониятларидан самарали фойдаландилар.

«Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik йили» Давлат дастури доирасида ишлаб чиқилган ушбу қонун ҳам ана шундай ҳамкорликнинг ижобий маҳсули бўлди.



Масъулият мезони

2011 йил Олий Мажлис Қонунчилик палатаси учун ниҳоятда муҳим давра бўлди. АММО О'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ЯНГИ — 2012 ЙИЛДА ХАМ ПАРЛАМЕНТ СИММАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР ЯНАДА МАСЪУЛИЯТЛИ ЭКАНИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР

Парламент қўйи палатасининг 2011 йилги фаолияти хусусида ҳали кўп фикр-мулоҳазалар билдирилади, албатта. Қўлга киритилган натижалар билан бирга йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар таҳлил қилинади. Чунки Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишлар ва қонунчилик ташаббусларининг ижроси 2011 йилда миллий парламентнинг етуқил даражасини том маънода синовдан ўтказди.

Маълумки, Концепция асосида «Ўзбекистон

Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддалари)»-ги қонуннинг қабул қилиниши, энг аввало, мамлакатни ислох этиш ва демократлаштириш ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олган жараён эканини яна бир қарра тасдиқлади. Ана шу

ўзгаришлар асосида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан тақдир этилган бўлди.

БУЎЁДКОРЛИК ВА ҚОНУНЧИЛИК

МАМЛАКАТИМИЗДА
ОБЪЕКТЛАР ҚУРИШ УЧУН ЕР
УЧАСТКАЛАРИ АЖРАТИШ,
БАРПО ЭТИЛАЁТГАН
БИНОЛАРНИНГ ЎЗАРО УЙҒУН
ВА МУСТАҲКАМ БЎЛИШИГА
АЛОҲИДА ЭЪТИБОР
КАРАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ва бир қатор қонун ҳужжатларида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, давлат ер кадастри юритиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда муҳофаза қилиш борасидаги муносабатлар тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майда қабул қилинган «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ ҳўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тadbirlари тўғрисида»-ги қарори ерлардан самарали фойдаланиш, кичик бизнес вакиллари ҳамда тadbirkorlik субъектларига ер майдонлари ажратиш учун кенг шaroит яратишда муҳим дастуриламал бўлаётир.

ХИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Худудий ташкилотларда ғалвир сувдан кўтарилиди

2011 ЙИЛНИНГ НОЯБРЬ-ДЕКАБРЬ ОЙЛАРИДА ЎТКАЗИЛГАН ХИСОБОТ-САЙЛОВ
КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ АЙРИМ ХУДУДЛАРДА ХАЛИГАЧА ЭСКИЧА ИШЛАШ
УСЛУБЛАРИДАН ВОЗ КЕЧИЛМАЁТГАНИНИ КўРСАТДИ

2011 йилда «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш О'zLiDeP учун энг устувор вазифа бўлди. Бунда асосий эътибор Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлан-

тириш Концепцияси»да белгилаб берилган вазифаларга қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўтган йил якунида Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарори билан ўтказилган вилоят партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов конференцияларида ҳам ана шу муҳим ҳўжжатнинг жойлардаги ижроси юзасидан таҳлиллар ўтказилиб, қўлга киритилган натижалар баробарида йўл

кўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар кўрилди. Конференция материалларини таҳлил қилар эканмиз, ўтган 2011 йилда худудий ташкилотлар фаолияти партия дастурий мақсад-вазифалари асосида ташкил этилганига



гувоҳ бўламиз. Бироқ жойларда депутатлик гуруҳлари ва бошлангич ташкилотлар фаолиятининг натижалари партия ғояларини аҳоли орасида кенг тарғиб этишда қатор нуқсонлар мавжудлигини ҳам кўрсатиб қўйди.

2012 ЙИЛ — «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»

Оила — жамиятнинг асосий бўғини

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР МИЛЛАТИМИЗНИНГ КОН-
КОНИГА СИНГИБ КЕТГАН БЎЛИБ, МИЛЛИЙ УРФ-
ОДАТЛАРИМИЗ, АКИДА ВА АНЪАНАЛАРИМИЗ БИЛАН
АВЛОДДАН АВЛОДГА ЎТИБ КЕЛМОҚДА

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ оилавий муносабатларни қонун йўли билан тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг XVI боби оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган. Конституциянинг 63-моддасида оила давлат ва жамият муҳофазасида эканлиги алоҳида белгилаб қўйилган.

Чунки давлатимиз

оилалар мустаҳкамлиги ва уларнинг барқарорлигидан тўла манфаатдордир. Оила кодексида бирон-бир шахснинг оилага ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган. Мазкур кодекс юрти-
миздаги 7,5 миллиондан ортиқ оилалар ва улар ҳуқуқларини тўққонликсиз амалга ошириш ҳамда бу ҳуқуқларнинг химоя қилинишини ҳар томонлама таъминлаш имко-
ни беради.

Конституциямизнинг 63-моддаси иккинчи қисмида таъкидланганидек, никоҳ масаласига томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосида ёндашилади. Оилавий муносабатлар бошланишида эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда тузган иттифоқини янада мустаҳкамлаш мақсадида ФХД бўлимида расмий равишда никоҳдан ўтиш тартиби жорий этилган.

03

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН
БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа
мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги
қийматини белгилади:

1 Австралия доллари ▲ 1847,05
1 Англия фунт стерлинги ▼ 2789,17
1 Дания кронаси ▼ 313,62
1 БАА дирҳами ▲ 489,09

1 АҚШ доллари ▲ 1796,22
1 Миср фунти ▼ 297,93
1 Исландия кронаси ▲ 14,70
1 Канада доллари ▲ 1768,28

1 Ҳангوى юани ▲ 285,41
1 Малайзия ринггити ▲ 570,32
1 Польша злотийси ▼ 523,65
1 СДР ▼ 2757,68

1 Туркия лираси ▲ 951,14
1 Швейцария франки ▼ 1914,13
1 ЕВРО ▼ 2335,78
1 Жанубий Корея воени ▲ 15,62

1 Япония йенаси ▲ 233,67
1 Россия рубли ▼ 55,79
1 Украина гривнаси ▲ 224,81

ВАЗИЯТГА НАЗАР

web sayti: www.21asr.uz

Масъулият мезони

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

**Миродил
АБДУРАХМОНОВ**

Парламентга Бош вазир-га нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилди.

Конституциянинг 78-моддасига киритилган ўзгартиш асосида эса мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш қатъий белгилаб қўйилди. Бу эса биринчи галда мамлакат сиёсий тизимини ўзгартириш, давлат бошқарувини либераллаштириш ва ҳокимиятлар бўлиниши принципини ҳаёtimизга изчил татбиқ этиш имкониятини янада кенгайтирди. Таҳлилчилар ўтган йилда 90 га яқин қонунлар қабул қилинганини, уларнинг аксарияти иқтисодиётни ривожлантириш, мулк дахлсизлигини таъминлаш ва мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилганига урғу бермоқдалар. Конституциямизга киритилган ўзгартишлар айти пайтда парламентнинг назорат йўналишидаги ваколатларини кескин кучайтирганини, демократик ислохотларга нисбатан масъулият ҳамда давлат ва жамият қурилиши тизимидаги ролини янада мустаҳкамлаганини ҳам таъкидлаш лозим.

Тан олиш керак: бугунга келиб сиёсий партияларга берилган ваколатлар туфайли Давлат дастурлари ижроси юзасидан ҳукумат аъзолари, вазирлик ва бошқа давлат идоралари раҳбарлари ҳисоботини эшитиш парламент фаолиятининг ажралмас қисмига айланган.

Концепция айти пайтда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятга ҳам таъсир этди. Зеро, ҳудудларда ҳам давлат дастурлари ва қонунлар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ тадбирлар сони ортди. Энг муҳими, бу жараёнда сиёсий партияларнинг назорат манфаатини қатъийроқ ҳимоя қилиш имконияти кенгайди. Таҳлилчиларнинг фикрича, 2011 йил давомида Қонунчилик палатаси даражасида 7 та, қўмиталар даражасида эса 10 дан ортиқ парламент эшитувлари ташкил этилган. О'зЛиДеР фракцияси аъзолари етакчилик қилаётган қўмиталарнинг ўзида парламентнинг назорат-таҳлил фаолияти билан боғлиқ 20 га яқин тадбирлар ўтказилган.

— Ҳақиқатан ҳам, 2011 йил парламент фаолиятида кескин бўрилиш йили бўлди. Концепция асосида яратиб берилган ваколатлар туфайли биз Бош вазир ҳисоботини эшитдик. Хусусан, парламент эшитуви, парламент сўрови Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига иқтисодий-ижтимоий соҳадаги ислохотларнинг ва, албатта, амалга оширилаётган давлат дастурларининг ижроси юзасидан кучли парламент ва депутатлик назоратини ўрнатish имконини берди, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Шоира Ҳайдарова. — Қолаверса, бундай тадбирлар давомида ҳукумат олдидаги электрорат вакилларини ўйлантираётган долзарб масалаларни қўйиш ва улар назоратини кучайтириш имконига ҳам эга бўлди.

Депутатларнинг фикрича, 2011 йилда энг муҳим соҳа ва тизимлар раҳбарларининг, вазирлик ва идоралар мутасаддиларининг ҳисоботларини эшитиш изчил йўлга қўйилган натижасида соҳага оид қонунчилик

такмиллаштирилиб, бугунги кун талабларига жавоб бермай қолган айрим қонун нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

— 2011 йилда парламентнинг назорат тадбирлари доирасида қандай масала муҳокама қилинмасин, уларга, энг аввало, партия дастурида белгилаб олинган вазифалар, либерал ислохотлар талаби ва, албатта, электрорат манфаати нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашдик, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Фахридин Комилов. — Аммо давлат тузилмалари раҳбарларининг уларга ишониб топширилган тармоқларда қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ҳисоботларини эшитиб боришдаги ишларимизни ҳали талаб даражасида, деб бўлмади.



2011 йилда бу борада деярли барча вилоят ҳокимликлари мутасаддиларининг маълум бир масалалар юзасидан ҳисоботлари эшитилди. Аммо, ана шу тадбирлардан кейин жойларда қандай ўзгаришлар юз берди, аниқланган камчилик ва нуқсонлар қай даражада бартараф этилди, деган саволларга ҳар доим ҳам тўлиқ жавоб қайтариш қийин. Балки парламент қўмиталарида, масалага масъул бўлган депутатларда бу борада етарлича маълумотлар бордир. Аммо бу ҳақда ҳали сайловчиларга на партия нашрлари ва на Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайтларида бирон-бир ахборот берилмади.

Шу ўринда парламент эшитувларида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг бир қатор вилоятлардаги ижроси, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, у ёки бу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг натижаларига муайян даражада танқидий ёндашилганини таъкидлаш лозим. Хусусан, 2011 йилда бу борада деярли барча вилоят ҳокимликлари мутасаддиларининг маълум бир масалалар юзасидан ҳисоботлари эшитилди. Аммо ана шу тадбирлардан кейин жойларда қандай ўзгаришлар юз берди, аниқланган камчилик ва нуқсонлар қай даражада бартараф этилди, деган саволларга ҳар доим ҳам тўлиқ жавоб қайтариш қийин. Балки парламент қўмиталарида, масалага масъул депутатларда бу ҳақда етарлича маълумотлар бордир. Аммо бу хусусда ҳали сайловчиларга на партия нашрлари ва на Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайтларида бирон-бир ахборот берилмади. Агар парламент эшитувлари, назорат-таҳлил тадбирлари натижалари хусусида сайловчиларга изчил ахборот етказиш йўлга қўйилса, сайловчиларнинг парламент фаолиятидан хабардорлиги янада ортган бўларди.

Шу ўринда жойларда ўтказилаётган тадбирларда қўллаб сайловчилар Концепцияда белгилаб берилган янги қонун лойиҳаларининг мақсади ва мазмун-моҳиятини кенгроқ тушуниришда депутатлар корпуслари асосий тарғиботчига айланиши лозимлигини таъкидлаётганларини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Бу эса яна бир бор депутат ва сайловчи муносабати, таъбир жоиз бўлса, ҳамкорлик янада яхшилаш лозимлигини кўрсатмоқда. Тўғри, кейинги пайтларда сиёсий партиялар вакиллари ўз электрорати билан жойларда қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш тажрибасидан кенг фойдалана бошлади. Масалан, 2011 йил давомида О'зЛиДеР фракцияси аъзолари қонунлар ишлаб чиқиш, уларнинг жойлардаги ижроси устидан жамоатчилик ва парламент назорати ўрнатish ҳамда жойларда янги қонун лойиҳалари муҳокамага бағишланган 60 дан ортиқ тадбирлар ўтказди-

лар. Бу жараёнда сайловчилар ва электрорат аъзоси бўлган ўрта синф вакилларида нузлаб тақлифлар билдирилгани эса бу тажрибани изчил давом эттириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, парламент эшитувлари ва парламент сўровларига тайёргарлик пайтида депутатлар жойларда у ёки бу соҳа вакиллари билан юзма-юз мулоқот қилмоқдалар. Бу эса қонунларнинг кемтик жиҳатларинингизга эмас, балки маълум бир соҳа ва тизимлар ривожига ҳалақит бераётган нормаларни аниқлаш имконини ҳам берапти.

Ҳа, чиндан ҳам, 2011 йилда Президент Концепциясида белгилаб берилган қонунчилик ташаббусларининг мазмун-моҳиятини бундан ташқари, парламент эшитувлари ва парламент сўровларига тайёргарлик пайтида депутатлар жойларда у ёки бу соҳа вакиллари билан юзма-юз мулоқот қилмоқдалар. Бу эса қонунларнинг кемтик жиҳатларинингизга эмас, балки маълум бир соҳа ва тизимлар ривожига ҳалақит бераётган нормаларни аниқлаш имконини ҳам берапти.

Ҳа, чиндан ҳам, 2011 йилда Президент Концепциясида белгилаб берилган қонунчилик ташаббусларининг мазмун-моҳиятини бундан ташқари, парламент эшитувлари ва парламент сўровларига тайёргарлик пайтида депутатлар жойларда у ёки бу соҳа вакиллари билан юзма-юз мулоқот қилмоқдалар. Бу эса қонунларнинг кемтик жиҳатларинингизга эмас, балки маълум бир соҳа ва тизимлар ривожига ҳалақит бераётган нормаларни аниқлаш имконини ҳам берапти.

Депутатнинг фикрича, эндиги асосий вазифа ана шу қонунни тезроқ қабул қилишдан иборат. Парламент аъзолари «Рақобат тўғрисида»-ги қонунга ҳам алоҳида урғу бериб, ундан қўзланган асосий мақсад монополи-

стик фаолиятни чеклашга қаратилганини, иқтисодиётда, ишлаб чиқаришда давлатнинг ролини кескин қисқартиришга ҳатто молия бозорида ҳам монопол фаролияти қатъий чеклашга қаратилганига эътибор қаратмоқдалар. Бошқача айтганда, мазкур ҳужжат тадбиркорлар имкониятларини чеклаётган монополистик тақдирлар билан хусусий сектор вакиллари имкониятларини тенглаштиришга хизмат қилади. 2011 йилда Халқаро экспорт томонидан ҳам алоҳида эътироф этилган яна бир қонун лойиҳаси — «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»-ги қонундир. Мазкур қонунни тадбиркорликка кенг йўл очиб беришга қаратилган муҳим ҳужжат, дея баҳолаш мумкин.

Албатта, Концепцияда парламент назорати борасидаги ташаббусларнинг ҳаёtimизга изчил татбиқ этилиши барча даражадаги депутатлар, сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фракцияларининг янги, янада кенг ҳуқуқлардан қандай фойдаланаётганликлари, уларнинг етуклик даражаси ва ўз зиммасига халқ ҳамда давлатимиз тақдири учун масъулиятни олишга тайёр эканликлари ҳам боғлиқ эканини унутмаслик лозим. Бундай боғлиқлик эса фақат реал натижалар билангина баҳоланади.

Ҳа, чиндан ҳам, бугунга келиб парламент ислохот-

ларнинг том маънодаги етакчи қучига айланиши учун барча ҳуқуқий асослар яратиб берилди. Аммо ана шундай натижаларга қарамай, қонунларнинг муайян соҳа ва тизимлардаги ижроси муҳокамага бағишланаётган баъзи тадбирлар таҳлил қилинганида, улар фақат тадбир ўтказиш учунгина ўтказилмаётгани, деган таассурот ҳам уйғотилади. Чунки семи-нарлар, давра суҳбатлари шаклида ташкил этилаётган айрим учрашувларда қонунлар ижроси ёки янги қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти бир четда қолиб, соҳа ва тизимларнинг ички муаммолари би-тартиб-қоидалари тўғрисидаги қонундир. Мазкур қонунни тадбиркорликка кенг йўл очиб беришга қаратилган муҳим ҳужжат, дея баҳолаш мумкин.

Янги йилга «Мустаҳкам оила йили» дея ном берилиши эса зиммамиздаги масъулиятни янада ошириб, янги ташаббус ва лойиҳаларни илгари суриши, Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳаёtimизга изчил татбиқ этиш лозимлигини кўрсатмоқда. Бу эса 2012 йилнинг ҳам парламент учун навбатдаги синов йили бўлишидан далолат бермоқда.

Дадил қадамлардан реал натижаларга

Янги — **2012 йилга юртбошимиз тақлифи билан «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДЕБ НОМ БЕРИЛИШИ, ШУҲАСИЗ, ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЎЗАРО ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК АЛОКАЛАРИНИНГ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**



Зулфия ХАЙДАРОВА, Кашкадарё вилоятидаги «Юксалиш» нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари

ровонлигини ошириш кўзда тутилган. Шу мақсадда уларга хусусий бизнесни бошлаш учун зарур билим ва кўникмалар бериб, даромад келтирадиган хуналар ўргатамиз.

Шунингдек, ташкилотимиз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, она-бола са-

Ташкилотимизга 2011 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан «Кишлоқ хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва кўмаклашиш» лойиҳасини амалга ошириш учун 14 млн. 996 минг сўм миқдоридagi давлат гранти ажратилди.

ломатлигини муҳофаза қилишда ҳам бош-қош бўлаётган. Айти пайтда Шарофат Рустомова раҳбарлик қилаётган «Истиқлол» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида хуна ўрганган шогирдларимизнинг 30 нафардан ортиги Нишон пахта тозалаш ОАЖ ва Қарши магистраль каналдан фойдаланиш бошқармасида касаначилик орқали иш билан таъминланганлар. «Ёш оилаларга ёрдам лойиҳаси»га уй шароитида яқка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланган Гузаль Эллеева ҳам жалб қилинган эди. У лойиҳа доирасидаги барча кўргазмаларда фаол иштирок этиб, эндиликда «Наврўз» маҳалласида тикувчилик цехи очишга муваффақ бўлди. Ёш тадбиркорларимизга «Халқ банки» томонидан 7 млн. сўм кредит ажратилган, хом ашё ва тикувчилик машиналари сотиб олинди.

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Республика Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди томонидан молиялаштирилган «Маҳаллий шароитда тадбиркор хотин-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш» янги лойиҳаси эса 2012 йил июль ойига амалга оширилади.

2011 йилда

«Аёллар қаноти»

«КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ»ДА О'ЗЛИДЕР «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ВА УНИНГ ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ БЎЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН КАТОР ЙИРИК ЛОЙИХАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ

Биргина «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси минглаб аёлларимизнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий билим ва кўникмаларини бойитиши билан бирга уларни хусусий бизнес фаолиятига кенг жалб қилиш имконини берди. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, бизнес-режа тузиш, банк ва солиқ идоралари билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишга бағишланган ўқув-семинарларда эса 6458 нафардан зиёд аёллар иштирок этдилар.

«Аёллар қаноти»нинг «Маҳаллани оилавий бизнес ва тадбиркорлик марказига айлантиришда О'зЛиДеР

«Аёллар қаноти»нинг иштироки ва роли» мавзусидаги йирик лойиҳа доирасида эса маҳалла ва кишлоқ фуқаролар йиғинларида 300 га яқин тадбирлар ташкил этилди. Энг муҳими, ушбу жараёнда фаол қатнашган тадбиркор хотин-қизлар томонидан жойларда 2000 га яқин янги иш ўрни яратилди. Бугун партия аъзоларининг 45 фоизини ташкил этаётган хотин-қизларнинг 11 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатасида, 351 нафари маҳаллий кенгашларда сайловчилар номидан фаолият олиб бормоқда. 20 минг нафардан зиёд аёллар эса тадбиркорлик, фермерлик билан шуғулланаяпти.

ЖАРАЁН

web sayt: www.21asr.uz

Оила — жамиятнинг асосий бўғини

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Фахриддин КОМИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Эр-хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиниши биринчи навбатда урф-одат ва анъаналаримиз асосида тартибга солинса, иккинчидан, амалдаги қонунлар орқали амалга оширилади.

Оилавий муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари ҳамда тарафларнинг келишуви билан тартибга солинмаган ёки бундай муносабатларни беvosита тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормалари мавжуд бўлмаган тақдирда, моҳияти жиҳатидан ушбу муносабатларга зид келмайдиган қонун ўрнатилган қўлланилади. Бундай нормалар бўлмаган тақдирда, оила ҳамда фуқаролик ҳуқуқининг умумий тамойилларига таянган ҳолда тегишли ҳуқуқ ўрнатилган асосида белгиланади.

Болажон мамлакатимизда вояга етмаган, меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун йўли билан ҳимоя



қилиниши Конституциямизнинг 64, 65 ҳамда 66-моддаларида ҳам ўз аксини топган. Бу ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурлиги, фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги, тўғрисидаги нормалар билан мустаҳкамланган.

Ўзбекистон — кўп миллилатли давлат. Унда 130 дан ортӣқ миллият ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб келмоқдалар. Қонунларимизда ушбу ҳолат ҳар томонлама ҳисобга олинган. Жумладан, Оила кодексининг 3-моддаси билан барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эга экани мустаҳкамланган. Улар томонидан никоҳ тузиш чоғида жинси, ирқ, миллияти, тили, дини, шахсий ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий

назар, тегишли ҳуқуқларни беvosита ёки билvosита чеклаш, бирон бир имтиёз белгилаш, оилавий муносабатларга аралашиб амалдаги қонунлар билан тақиқланади.

Оилавий муносабатларни қонун йўли билан тартибга солиш, биринчидан, оилаларнинг барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилса, иккинчидан, фарзандларни миллий қадриятлар ва анъаналарга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

«Истиқлол шўъласи» тараққиёт йўлида

... Ёшликнинг куч-ғайрати, меҳнатга бўлган иштиёқ ўн тўққиз ёшли йигитчага ОРОМ БЕРМАС, УНИНГ ҚАЛБИДА ЯНГИДАН-ЯНГИ ОРЗУЛАРНИ УЙФОТАР ЭДИ. Ўқишдан сўнг ишга шошар, белгиланган топшириқни бажармагунча тиниб-тинчимасди. Ўша йигитча улғайиб, жамиятда ўз ўрнини топди

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI ASR»


Самарқанд туманидаги «Истиқлол шўъласи» фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Одиловнинг деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш билан бирга уй-жой қурилиши учун зарур бўлган шифер ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйганига кўп бўлган йўқ. Айни кунга келиб аҳил жамоа янада каттароқ режаларни кўзлаб меҳнат қилмоқда.

Шунингдек, ички бозорга йил сайин кўпроқ картошка, қарам, помидор, узум каби кундалик истеъмол маҳсулотлари етказиб берилаетир. 2009 йилда шифер ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўшандан ҳодимлар сони атиги 5 нафар эди.

— Ускуналарни 200 минг АҚШ доллари эвазига Хитойдан келтирдик, — дейди Б.Одилов. — Дастлабки йили 31,6 минг дон шифер

ишлаб чиқардик.

Ўтган йили хўжаликда яна бир хайрли ишга қўл урилиб, етти хазинанинг бири бўлмиш паррандачилик йўлга қўйилди. 5978 та жўжа туҳумга киргунга қадар парваришланиб, хўжаликларга сотилди. Фойданинг асосий қисми ишчи-хизматчиларнинг моддий ва маиший шароитини яхшилаш, мактаб ва касалхоналарни таъмирлашга сарфланмоқда. Б.Одилов 2010-2011 йилларда «Ташаббус» кўриктанловида кетма-кет икки бор Самарқанд тумани босқичида «Йилнинг энг яхши фермери» йўналиши бўйича биринчи даражади диплом билан тақдирланди. У айни пайтда O'zLiDeP фаолларидан бири ҳамдир. Қатор йиллардан бери депутат сифатида эл қорига яраб тутиб келмоқда. Жумладан, тумандаги 68-мактабни капитал таъмирлаш учун тегишли ташкилотларга бир неча бор депутатлик сўровномалари билан мурожаат қилди. Ниҳоят, яқин-



да ушбу мактаб келгуси йил дастурига киритилди.

Тиниб-тинчимас тадбиркор ҳаётга эзгу умидлар билан қарашга одатланган. Хўжалик қошида янги шифер ҳамда темир черепица тайёрлаш цехлари, шунингдек, минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган музлатгич қурилиши давом эттирилмоқда. Бу нуқталарда ишлаш учун касб-хунар коллежлари битирувчиларидан ўн нафарини тақлиф этиш режалаштирган. Кези келганда, тадбиркорга кўмакдош бўлаётган Акрам Саломов, Шавкат Холов, Шодмон Хайдаров, Яздон Усмонов, Навбахор Одилов каби фидойилар хизматини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, уларнинг қалби яратувчанлик ва бунёдкорлик иштиёқи билан йўғрилган. Шу боис хўжалик тобора янги-янги марраларни забт этмоқда.

ридан ўн нафарини тақлиф этиш режалаштирган. Кези келганда, тадбиркорга кўмакдош бўлаётган Акрам Саломов, Шавкат Холов, Шодмон Хайдаров, Яздон Усмонов, Навбахор Одилов каби фидойилар хизматини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, уларнинг қалби яратувчанлик ва бунёдкорлик иштиёқи билан йўғрилган. Шу боис хўжалик тобора янги-янги марраларни забт этмоқда.

Конференцияларда, шунингдек, 2009 йили бўлиб ўтган сайловларда партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 53 нафар, халқ депутатлари вилоят кенгашларига 312 нафар номзод сайлангани O'zLiDePнинг сиёсий майдондаги мавқеидан далолат бериб турибди. Лекин шунга қарамай, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳудудий дастурлар ижросининг бажарилиши юзасидан таъсир ўтказиш ва шу орқали жамоатчилик назоратини ўрнатишда камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Хусусан, кенгашлар томонидан аксарият ҳолларда партия электорати манфаати ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга қонун доирасида амалий кўмак беришдан кўра экология, атроф-муҳит муҳофазаси, коммунал хизматлар масалаларига кўпроқ эътибор қаратилган. Тўғри, аҳоли мурожаатлари кўпроқ ана шундай ма-

Худудий ташкилотларда ғалвир сувдан кўтарилди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Конференция материалларини таҳлил қилар эканмиз, ўтган 2011 йилда худудий ташкилотлар фаолияти партия дастурий мақсад-вазифалари асосида ташкил этилганига гувоҳ бўламиз. Бироқ жойларда депутатлик гуруҳлари ва бошлангич ташкилотлар фаолиятининг натижалари партия ғояларини аҳоли орасида кенг тарғиб этишда қатор нуқсонлар мавжудлигини ҳам кўрсатиб қўйди.

Тўғри, O'zLiDeP вилоят кенгашларининг кейинги йиллардаги фаолиятида БТП ва депутатлик гуруҳлари билан ишлашда ижобий ўзгаришлар юз берганини қайд этиш лозим. Айниқса, депутатлик гуруҳлари томонидан сессиялар кун тартибига олиб чиқилаётган масалалар қамровининг кенгайгани, уларда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳисоботларини эшитиш изчил йўлга қўйилгани шундан далолат беради. Хусусан, ўтган уч йилда бошлангич ташкилотлар сонининг 7234 тадан 7605 тага, аъзолар сонининг 154781 нафардан 173109 нафарга кўпайгани ҳам партиянинг мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишда кўйи бўғинлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилганини кўрсатади.

O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раиси, депутатлик гуруҳи раҳбари Мансур Зокировнинг таъкидлашича, бугун партия ғояларини тарғиб қилиш усулларини тубдан ўзгартириши даврининг ўзи тақозо этаётир. Чунки таҳлиллар айрим чекка ҳудудларда яшовчи аҳолининг партиялар фаолиятидан тўла хабардор эмаслигини кўрсатмоқда. Бу эса сиёсий партияларнинг ўз фаолиятини етарли даражада тарғиб қила олмаётганидан далолатдир.

Ҳақиқатан ҳам, бундай фикр-мулоҳазалар O'zLiDePнинг келгуси фаолиятини тўғри ташкил этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Конференцияларда, шунингдек, 2009 йили бўлиб ўтган сайловларда партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 53 нафар, халқ депутатлари вилоят кенгашларига 312 нафар номзод сайлангани O'zLiDePнинг сиёсий майдондаги мавқеидан далолат бериб турибди. Лекин шунга қарамай, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳудудий дастурлар ижросининг бажарилиши юзасидан таъсир ўтказиш ва шу орқали жамоатчилик назоратини ўрнатишда камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Хусусан, кенгашлар томонидан аксарият ҳолларда партия электорати манфаати ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга қонун доирасида амалий кўмак беришдан кўра экология, атроф-муҳит муҳофазаси, коммунал хизматлар масалаларига кўпроқ эътибор қаратилган. Тўғри, аҳоли мурожаатлари кўпроқ ана шундай ма-

салаларга йўналтирилгани инobatга олинса, кенгашлар иши сайловчи талабидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилганини кўрамиз. Аммо муайян худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатадиган долзарб масалалар кенгашлар ва депутатлик гуруҳла-

амалий ёрдам бериш, янгидан иш бошлаган иш билармонларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қавватлаш, уларнинг билим ва малакасини оширишга кўмаклашиш, аҳолини, айниқса, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш масалаларини доимий назорат қилиш, депутатлар-

Конференцияларнинг якуний натижалари бўйича 35 фойздан кўп рахбар кадрлар ўрнига бугунги кун талабларини чуқур англайдиган, етакчилик салоҳиятига эга бўлган ёш ва иқтидорли кадрлар кенгаш аъзоллигига сайландилар. Шунингдек, баҳоланган учта вилоятдаги кенгаш раислари алмаштирилди.

рининг доимий диққат марказида бўлиши кераклигини ёддан чиқармаслик керак. Зеро, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгилаб берилган устувор мақсадларни бажариш ҳудудий ташкилотлар зиммасидаги бирламчи вазифадир.

Шу ўринда депутатлик гуруҳларининг депутатлик назорати ва сўрови институтидан ҳам кутилган даражада фойдаланмаётганини таъкидлаш жоиз. Афсуски, ҳудуд учун долзарб бўлган масалаларни сессиялар кун тартибига киритиш ёки ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишда депутатларимизда ҳар доим ҳам дадиллик етишмапти. Бу эса партиянинг жамоатчилик назоратини кучайтиришдаги имкониятларини чегаралаб қўймоқда.

Конференцияларда аҳоли орасида партия ғояларини янада кенг ёйиш, аёллар ва ёшлар ўртасида ишбилармонлик муҳитини яратиш орқали уларни жамиятнинг энг фаол қисмига айлантириш, партия аъзоллигига қабул қилиш масалалари ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Конференцияларнинг якуний натижалари бўйича 35 фойздан кўп рахбар кадрлар ўрнига бугунги кун талабларини чуқур англайдиган, етакчилик салоҳиятига эга бўлган ёш ва иқтидорли кадрлар кенгаш аъзоллигига сайландилар. Шунингдек, баҳоланган учта вилоятдаги кенгаш раислари алмаштирилди.

Мазкур Конференцияларда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва фракцияси аъзолари қатнашиб, кўйи бўғинлар фаолиятини янада яхшилашга доир ўз тақлифларини билдирдилар. Жумладан, жойларда тадбиркорликнинг янги шакли — оилавий бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, ўрта синф вакилларига кредитлар ажратилишида

нинг диққат марказида бўлди. Бир сўз билан айтганда, конференцияларда вилоят партия ташкилотларининг ўтган йиллардаги фаолияти асосан танқидий нуқтаи-назардан кўриб чиқилди. Айниқса, Жиззах, Хоразм ва Наманган вилоятларида ўтказилган конференцияларда партиявий фаолият борасида камчиликларнинг катта-кичиги бўлмаслигига алоҳида эътибор қаратилиб, уларни бар-тараф этишда, энг аввало, депутатлик гуруҳлари, сиёсий таълим марказлари ва бошлангич ташкилотлар ишини жонлантириш лозимлигига алоҳида урғу берилди. Бунда сиёсий таълим марказлари учун Ўрта-бошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби дастуриламал бўлиб хизмат қилиши, унинг ҳар бир банди мазкур тузилмаларнинг қундалик иш режасига айланиши уқтириб қолди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, конференциялар партия кўйи бўғинлари фаолиятини таҳлил қилиш ва шу орқали кўлга киритилган муваффақиятларни оммаваштириш, йўл қўйилган камчиликларни бар-тараф этиш чораларини ишлаб чиқиш имконини берди. Конференциялардан, биринчи галда, партиявий тарғиботни, Концепцияда илгари сурилган устувор вазифаларни амалга оширишдаги кўйи тузилмалар фаолиятини кучайтириш керак, деган қатъий хулосалар чиқарилди. Бундан ташқари, нафақат сиёсий етуқ, балки мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти учун муҳим бўлган давлат дастурларига ўз тақлифларини бера оладиган, шунингдек, уларни амалга оширишга қодир бўлган кадрлар захирасини шакллантириш ҳам партия олдида турган асосий вазифалардан экани белгилан олинди. Зеро, тобора яқинлашиб келаётган парламент сайловлари даврида партиялараро рақобатнинг кескин ортиши мурраб. Бундай шароитда эса масъулиятсизлик, ўзига ортӣқча баҳо бериш ва баландпарвоз хулосалар билан қаноатланиш ҳар қандай сиёсий партия учун қимматга тушиши мумкин.

2011 йилда Саноат

2011 йилда САНОАТ МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ҚАРИЙБ 8 ФОИЗГА ОШГАНИ «ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН» ЁРЛИГИ ОСТИДАГИ МАХСУЛОТЛАР ТУРИНИ КўПАЙТИРИБ, УЛАРНИНГ ИЧКИ ВА ТАШКИ БОЗОРЛАРГА ЧИҚАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАДИ

Айниқса, 2011-2015 йилларда Ўзбекистонда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастурнинг амалга оширилиши натижасида ўтган йилнинг тўққиз ойида кимё ва нефть-кимёси (111,9 фойз), машинасозлик ва металл қайта ишлаш (111,8 фойз), қурилиш материаллари (109 фойз), тиббиёт (131,3 фойз) ва озиқ-овқат (114,7 фойз) саноатида ўсишга эришилди. Мамлакат индустриясининг ривож иқтисодий тармоқлари ва экспорт салоҳиятини ошириш, шу жумладан, экспорт қилинадиган маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва уларни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, анъанавий сотиш бозорларидаги позицияларни мустаҳкамлаш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштириш имконини берди. Бу борада қўрилган чора-тадбирлар туфайли товар ва хизматлар экспорти ўтган йилнинг ўзида 21,4 фойзга ўсди. Бугунги кунда «Neo San Лайт» ва «Экоэлектрон» қўшма корхоналарида «SAMSUNG» бренди остида кондиционерлар, чангпогичлар ҳамда «ARTEL» бренди остида маиший газ плиталари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энергия тежовчи лампалар ишлаб чиқариш қувватлари 6 млн. донадан 26 млн. донага етказилди. «Зенит Электроникс» корхонасида «Самсунг Электроникс» компанияси билан ҳамкорликда «SAMSUNG» бренди остида автомат кир ювиш машиналари тайёрланиб, ички истеъмол бозорларига чиқарила бошланди. «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамиятида янги ва замонавий қишлоқ хўжалик техникаси, «Ўз-Тексако» қўшма корхонасида синтетик мотор мойлари, автомобиль электр симлари ва бошқа қатор маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги, юқори технологик қувватлар ишга туширилди. Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасида Жанубий Кореянинг «DK Cosmetics» компанияси билан ҳамкорликда 18 турдаги тайёр косметика маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича «Navoiy-Beauty Cosmetics» ўзбек-корейс қўшма корхонаси ишга туширилди. Қиймати 2,88 млн. доллардан иборат бўлган ушбу лойиҳа йилига 3,24 млн. дона косметик маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутати, O'zLiDeP Қўрай туман кенгаши раиси Олимжон Хамтоғва падари бузруквори **Шариф** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Рақобат бозор муносабатларининг асосидир

ДУНЁ КЕСКИН РАҚОБАТ МАЙДОНИГА АЙЛАНИБ БОРАЁГАН БУГУНГИ КУНДА ЖАҲОНДА ВА ЁН-АТРОФИМИЗДА СОДИР БЎЛАЁТГАН ҲАР ҚАНДАЙ ВОКЕА-ХОДИСАЛАРГА ХУШЁРЛИК БИЛАН ҚАРАБ, ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ЯШАШ ҲАР БИР ФУҚАРО УЧУН НИҲОЯТДА МУҲИМ БЎЛИБ КОЛМОҚДА

Бахтиёр РЎЗИЕВ,
Сурхондарё вилоят
Монополиядан чиқариш ва
рақобатни ривожлантириш
худудий бошкармаси
бошлиғи

Бу жараёнда эса Президентимиз таъкидлаганларидек, биринчи навбатда, эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги ҳаракатларни қучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқинча кўтаришимиз даркор.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Концепция ҳам, энг аввало, дунё мамлакатлари ўртасидаги глобаллашув ва рақобат тобора қучайиб бораётган бир вақтда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга, фуқароларимизнинг турмуш даражаси, ҳаётимиз сифати ва фаровонлигини янада оширишга қаратилган бижиз эмас.

Маълумки, рақобат бозор муносабатларининг асоси бўлгани ҳолда, уни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатлари катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам Концепцияда амалдаги монополияга қарши қонунчилик ҳужжатлари эскирганлиги ва замон талабларига жавоб бермай қолганлиги сабабли "Рақобат тўрисида"ги янги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бу эса ҳозирги глобаллашув ҳамда ўзгаришлар шароитига мос келадиган замонавий, шунингдек, рақобатни ривожлантириш ва уни ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни тўлиқ қамраб оладиган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва зудлик би-

лан амалиётга татбиқ этишни долзарб масала қилиб қўймоқда.

Концепцияда эътироф этилганидек, бугунги кунда "молия бозорлари"да ҳам монополлашиш, рақобатнинг чекланиши ва устунлик мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатлари учраётганлиги боис монополистик фаолиятни молия бозорларида ҳам тартибга соладиган нормаларни назарда тутиш инobatга олинмоқда.

Монополияга қарши талабларнинг шакллантирилиши бўйича қонун моддасининг киритилиши мазкур савдоларни ташкил этишнинг асл моҳиятини очиб беришга хизмат қилади.

Монополияга қарши давлат органи мутахассислари иштирокида тайёрланаётган янги қонун лойиҳасида рақобатни ривожлантириш бўйича яна бир қатор нормаларни ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Хусусан, қонунчиликда устунлик мавқеини суиистеъмол қилётган ёки бошқа турли қонунбузарликларга йўл қўётган қорхоналарни мажбурий тартибда бўлиб юбориш бўйича ҳулоса бериш, умуман, ҳўжалик юритувчи субъектларни бўлиб юборишнинг ижтимоий-иқтисодий самарасини аниқлаш ва баҳолаш услуби ёти ёки унинг ҳўқуқий тартибини белгилаш бўйича ҳам ўзгаришлар киритилиши назарда тутиляпти.

Амалдаги қонунчиликка кўра акциялар, улушлар ва бошқа мулкий ҳўқуқларни олиш бўйича битимда қатнашувчи шахслар активларининг жами баланс қиймати энг кам иш ҳақининг тўрт минг баробари миқдоридан ортиқ бўлса ёки битим қатнашчиларидан бири товар бозорида устун мавқеини эгаллаб турган ҳўжалик юритувчи субъектлар реестрига киритилган бўлса, битимларни тузиш учун олинган розилик олиниши

зарурлиги белгиланган. Бу ҳолатда активларининг жами баланс қиймати энг кам иш ҳақининг тўрт минг баробари миқдоридан ошиши мумкин бўлган битим қатнашчилари кўпинча тегишли бозордаги рақобатга сезиларли таъсир кўрсата олмасликлари ёхуд қорхоналарнинг ҳозирги кунда капиталлашув даражаси сезиларли ўсганлиги амалда ўз исботини топмоқда. Шу сабабли янги қонун лойи-

ҳўқуқлар)ни сотиб олиниши ҳолатлари учраётганини таъкидлаш мумкин. Амалдаги меъёрий ҳўжатларга мувофиқ "бир гуруҳ шахслар" тушунчаси мавжуд бўлсада, бир гуруҳ шахслар кимлар бўлиши мумкинлиги қонунчиликда аниқ изоҳланмаган. Шу сабабли янги қонун лойиҳасида бундай битимлар бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилган тақдирда ҳам уларнинг бир гуруҳ эканликларини

исботлаш имконияти чекланишининг олдини олиш юзасидан тақлифлар тайёрланган.

Шу ўринда, қорхоналарнинг ўзаро бирлашиши ва қўшилишларига рухсат берилгандан сўнг унинг товар бозоридagi кейинги ҳолатини назорат қилиб бориш механизмини йўлга қўйиш ҳам ижобий самара бериши шубҳасиздир.

Шунингдек, биржа савдоларига нисбатан қўйилган монополияга қарши талабларнинг шакллантирилиши бўйича қонун моддасининг киритилиши мазкур савдоларни ташкил этишнинг асл моҳиятини очиб беришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бир сўз билан айтганда, рақобат — бозорнинг асосий шарти экан, унинг ҳўқуқий пойдевори ҳисобланган "Рақобат тўрисида"ги янги қонуннинг қабул қилиниши соҳада амалга ошириладиган ижобий ишларни бутунлай янги босқинга олиб чиқади. Зеро, рақобатни ривожлантирмай ва уни ҳимоялаш механизмини яратмай туриб, иқтисодиётни эркинлаштириш ёки иқтисодий барқарорликка эришишни тасаввур қилиш қийин.

Буюк ва ўлмас таълимот

БУХОРОДА ТИББИЁТ ИЛМИ АСОСЧИСИ, ЎНДАН ОРТИҚ ФАНЛАР БЎЙИЧА БЕБАҲО АСАРЛАР, ИЛМИЙ РИСОЛАЛАР ВА РУБОЙЙЛАР ЭГАСИНИНГ ҲАЁТИ ҲАМДА ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН «БУЮК АЛЛОМА ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ» МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

Анжуманда мамлакатимизнинг етук олимлари билан бирга Украина, Эрон ва Франциядан ташриф буюрган фан ва маданият арбоблари, ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Улар дастлаб Абу Али ибн Сино тавадлул топан маскан — Пешку туманидаги Афсона қишлоғида бўлиб, буюк аллома ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Ибн Сино меъморий музейидаги экспонатлар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, тадбир иштирокчилари буюк аждодимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмни томоша қилдилар. Вилоят мусиқали драма театрида ўз ишини бошлаган анжумани Халққаро Ибн Сино жамғармаси бошқаруви раиси Ш.Зокирхўжаев кириш сўзи билан очиб, дунё тамаддунининг

феномени ҳисобланган, бутун жаҳонга Авиценна номи билан машҳур бўлган буюк зотнинг X-XI асрлардаги Шарқ Ренессанси, яъни Уйғониш даври жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасига ҳамда унинг илмий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш борасида юртимиз ҳамда хорижда олиб борилаётган ишларга тўхталди.

Конференциянинг биринчи ялпи мажлисида эътироф этилганидек, 1999 йилда ташкил этилган Халққаро Ибн Сино жамғармаси буюк аллома ҳаёти ва тиббий меросини жойларда, жумладан, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, маънавий қадриятларни оммалаштириш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

2010 йил январда ўз фаолиятини бошлаган Ўзбекистон халқ таъбири асосидаги ассоциациясининг устувор вазифаларидан бири ҳам Шарқ таъбири асосларини қайта тиклаш ва ушбу йўналишдаги халқаро алоқаларни янада кенгайтиришдан иборатдир.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга ҳар қачонгидан катта эътибор қаратиляпти. Айни масала юзасидан бир қатор давлат дастурлари қабул қилинганли бу жараёнда муҳим ўрин тутмоқда.

Айниқса, соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, даволаш-профилактика ишларида юқори сифат ўзгаришларига эришиш ўз самарасини берапти. Хусусан, оналик ва болалик муҳофазаси доимий эътиборга олингани учун ҳам "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан ўтказилган жаҳон рейтингида Ўзбекистон ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатган 161 давлат орасида 9-ўринни эгаллади. Кейинги ўн йилда мамлакатимизда оналар ўлими коэффициенти 33,1 промилледан 19,7 промиллега, болалар ўлими коэффициенти эса 18,9 промилледан 10,1 промиллега тушгани, туғма ва ирсий касалликлар билан тўғиладиган болалар сони

қарийб 2 баробарга камайгани, ушбу мақсадлар учун фақатгина 2010 йилнинг ўзида давлат бюджетидан 1 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилганлиги ўзининг реал натижаларини берапти, албатта.

Халққаро Ибн Сино ўқишлари мақомидаги анжуманининг биринчи ялпи мажлисида ҳам мамлакатимизда бу соҳада эришилаётган улкан ютуқларга алоҳида эътибор қаратилиб, Хамадон тиббиёт университети (Эрон) ректори, профессор Ризо Сафирийён, "Авиценна" Ассоциацияси (Франция) раиси, доктор Марк Боннел, Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ваколатхонаси раиси Хамид Мустафави, Ўзбекистон врачлар ассоциацияси раиси, профессор А.Худойбергенов, республика Халқ таъбири асослари академияси экспертлар гуруҳи раҳбари А.Хамроев ва бошқалар томонидан буюк аллома мероси, унинг жаҳон тиббиётида тутган ўрнига юксак баҳо берилди.

Учинчи сектор билан ҳамкорлик қучайтирилиши керак

2011 йилда O'ZLiDeP БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ РЕАЛ НАТИЖАЛАР БЕРГАНИ ТАЪКИДЛАНМОҚДА

Ўз мухбиримиз

O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раисининг аёллар масалари бўйича ўринбосари Дилбар Аҳмедованинг фикрича, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш O'zLiDeP дастурий қўғларининг муҳим йўналишларидан бўлиб, кейинги йилларда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиляпти.

— Вилоятимиздаги 9 мингга яқин партия аъзосининг 4040 нафари аёллар бўлиб, уларнинг 70 фоизи бевосита тадбиркорлик билан шуғулланади, — дейди Д.Аҳмедова. — Биз 2011 йилда ҳам хотин-қизлар иқтисод ва салоҳиятини аниқ мақсадларга йўналтиришга, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдик.

Хусусан, Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгилаб берилган устувор йўналишлар жамият ҳаётини демократлаштириш ҳамда либераллаштириш, хотин-қизларнинг ушбу жараёндаги иштирокини янада кенгайтиришга муҳим аҳамият касб этапти. Зеро, Концепцияда белгилаб берилган вазифалар юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицион муҳитни янада мўтадиллаштириш, сармоядорлар учун эса қулай шарт-шароит яратишга қаратилгани билан ҳам O'zLiDeP мақсадларига тўла ҳамоҳангдир.

Таъкидлаш керак, вилоятда ўз фаолиятини бошламоқчи бўлган тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга бирламчи вазифа, деб қарадик. Жорий йилда қатор бизнес лойиҳаларнинг тақдимотлари ўтказилиб, банк, солиқ муассасалари, адлия

идоралари мутасаддилари билан учрашув ва мулоқотлар ташкил этилди. «Аёллар қаноти» саяё-ҳаракати билан жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари қучайтирилди. Айниқса, Бухоро, Когон шаҳарлари, Жондор, Вобкент, Шофиркон ва Пешку туманларида ўтказилган "Эзгулик — инсон зийнати", "Соғлом аёл — соғлом оила — соғлом жамият", "Маҳаллани оилавий бизнес марказига айлантиришда "Аёллар қаноти"нинг роли ва иштироки" мавзуларидаги давра сўхбатида O'zLiDePнинг дастурий қўғларига ҳамоҳанглиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ҳақиқатан ҳам, Бухорода 2011 йилда оила-ларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, миллий қадриятларни эъзозлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун барча имкониятлар ишга солинди. Айниқса, хотин-қизларни O'zLiDeP Сайловолди платформаси, шунингдек, Президент Концепциясида белгилаб берилган вазифаларни бажаришга сафарбар этишга эътибор қучайди. Ушбу саяё-ҳаракатларнинг амалий натижаси ўларок, эндиликда аёллар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида дадил, эмин-эркин ҳаракат қиладиган бўлдилар. Тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари улар фаолиятини янада кенгайтиришда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда "Аёллар қаноти"нинг O'zLiDeP Сиёсий таълим маркази ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан яқин ҳамкорлиги турли семинар-тренинглар довомида яққолроқ кўзга ташланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бухоро шаҳридаги "Ойдин нури", "Ма-

дад" оилани ижтимоий ҳимоя қилиш марказлари, вилоят "Тадбиркорлар" уюшмаси, Савдо-саноат палатаси вилоят худудий бошкармаси ва бошқа бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар партия вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» билан ҳамкорликда фаолият олиб бориб, ушбу йўналишда сезиларли ютуқларни қўлга киритаяпти. Вилоятнинг Фиждудон, Вобкент туманлари, Бухоро ва Когон шаҳарларида ўтказилган давра сўхбатлари чоғида ҳам ННТларнинг "Аёллар қаноти" тузилмаси билан аниқ режа-тадбирлари белгилаб олинди.

Кейинги пайтда халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиялари кун тартибига киритилган ўнга яқин долзарб масалалар ҳам асосан аёл депутатлар ташаббуси билан атрофлича қўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, банк пластик қарточкаларидан фойдаланишни яхшилаш, фермерлар олдида турган муаммоларни ҳал этишга оид тақлифлар ана шулар жумласидандир.

Бир сўз билан айтганда, ислохотларнинг ҳозирги босқичи депутат аёллардан алоҳида фаоллиқни талаб этмоқда. Бунинг учун, аввало, уларнинг ўзлари сиёсий ва маънавий жиҳатдан етук бўлишлари, ҳар соҳада намуна ва ташаббус кўрсатишлари лозим. Зеро, уларнинг тўлақонли фаолият олиб боришлари учун жойларда қулай шарт-шароит яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш, партия қўғларини омма онига чуқур сингдириш йўлида қатъият билан иш олиб бориш муҳим дастурий вазифамиздир.

2011 йилда фермерлик

2011 йил НАТИЖАЛАРИГА КўРА, МАМЛАКАТДА ИШЛАБ ЧИКАРИЛГАН ЯЛПИ ИЧКИ МАХСУЛОТНИНГ ДЕЯРЛИ БЕШДАН БИР ҚИСМИ КИШЛОК ХўЖАЛИГИ ХИССАСИГА Тўғри КЕЛДИ. БАРЧА ТУРДАГИ ОЗИК-ОВКАТ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ 90 ФОИЗГА Яқини ФЕРМЕРЛАР ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНДИ

Мамлакатимизда ҳар йили ишлаб чиқарилаётган 3,6 млн. тоннадан зиёд пахта хом ашёси ва 6 млн. 800 минг тоннадан ортиқ галла тўлағилича фермерлар томонидан етиштирилапти. Қишлоқ хўжалиги, хусусан, фермерлик ҳаракати ривожланиши натижасида жойларда янги иш ўринлари ҳам қўпайиб бормоқда. Агар 2000 йилда фермер хўжаликларида 295 минг, 2005 йилда 954 минг киши иш билан банд бўлган бўлса, ҳозирда ушбу кўрсаткич 11,6 млн.дан ошиб кетди. Яқиндашган йилда қишлоқ мулкдорлари тайёрлаган 7 млн. тоннага яқин सबзавот, 1 млн. тоннадан зиёд полиз, 2 млн. тоннага яқин картошка, шунча миқдордаги мева ҳамда 1 млн. тонна атрофиди узум аҳоли дастурхониға тақдим этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2011 йилда боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Хозирда республикада 235 минг гектар боғ мавжуд бўлиб, шундан 184 минг гектари, 128 минг гектар узумзорнинг эса 113 минг гектари мунтазам ҳосил бериб келмоқда.

Ўтган йилда 13,8 минг гектар ерда янги боғ ва 5,2 минг гектар майдонда узумзор барпо этилди. 2,4 минг гектар ерга интенсив технологияга асосланган пакана ва яримпакана мевали дарахт ниҳоллари ўтказилди. Бундан ташқари, 12,3 минг гектарга яқин ҳосилдор боғлар ва 5,4 минг гектар узумзорлар реконструкция қилиниб, қатор ораларига 14,4 млн. дона мевали дарахт қўчалари ҳамда 12,1 млн. дона ток қаламчалари қадалди.

Шу ўринда ўтган йилнинг 9 ойида барча турдаги хўжаликларда қорамоллар сони 9472,9 минг бошга етганини алоҳида таъкидлаш лозим.

«ШҲҮРТАННЕФТГАЗ»

УНИТАР ШҲҮБДА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ


*азиз ватандошларимизни
Янги йил билан
табриклайди.*

*2012 —
«МУСТАҲКАМ
ОИЛА ЙИЛИ»да
узоқ умр,*

*сиҳат-саломатлик,
оилаларингизга*

*тинчлик-хотиржамлик
тилайди.*

Янги йил муборак бўлсин!



«МУБОРАКНЕФТГАЗ»

УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни
ЯНГИ —
«МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»
билан муборакбод этади.

*Янги йил
хонадонингизга
файзу барака,
бахт ва омад,
фаолиятингизга
янги ютуқлар
олиб келсин!*



СЎНГГИ САҲИФА

web sayt: www.21asr.uz

Равшан Эрматов — жаҳоннинг энг кучли ҳаками

ЖАҲОНДАГИ ФУТБОЛ
ҲАКАМЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ
ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ,
БАҲОЛАБ БОРАДИГАН
WORLDREFEREE.COM
САЙТИ
ЎЗБЕКИСТОНЛИК
ФИФА РЕФЕРИСИ
РАВШАН ЭРМАТОВНИ
2011 ЙИЛГИ ФУТБОЛ
МАВСУМИНИНГ «ЭНГ
ЯХШИ ҲАКАМИ» ДЕБ
ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Зоҳир **ТОШХҲАЕВ**,
ЎзА шарҳловчиси

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортнинг барча йўналишлари қатори футболни ривожлантириш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бермоқда. Футболда кўлга киритаётган ютуқ ва ғалабаларимиз сони ва салмоғи йилдан йилга ошиб бораётгани ҳақимизга улкан гуруҳ-ифтихор бахш этмоқда.

2012 йилнинг дастлабки кунларида спорт оламидаги нуфузли ташкилотлар, нашрлар ва сайтлар, эксперт ва мутахассислар 2011 йилги мавсум аёнлари, таҳлил ва баҳолаш, танлов ва сўровномалар натижаларини эълон қилмоқда. Қувонарлиси, бу жараёнда ҳамюртларимизнинг спорт соҳасидаги салоҳияти юқори баҳоланиб, алоҳида эътироф этилмоқда.

Футбол ҳакамлари фаолиятини кузатиб борадиган WorldReferee.com сайти томонидан Р.Эрматовнинг фаолияти юксак баҳолангани ҳам миллий футболимизнинг улкан ютуқларидандир. Мазкур сайти мутахассислари энг яхши ҳакамларни ҳар бир учрашувда қўйилган баллар ҳисоб-китоби бўйича аниқлайди.

2003 йилдан буён Халқаро футбол ошмалари федерацияси — ФИФА



таснифдаги учрашувларни бошқариб келаётган Р.Эрматов учун 2011 йилги футбол мавсуми ҳам омадли бўлди. Ҳамюртимиз ФИФА ва Осиё футбол конфедерацияси шафелигида ўтказилган нуфузли учрашувларни — жаҳон чемпионати ва Олимпиада саралаш ўйинлари, Осиё чемпионлиги лигаси ва клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг финал баҳсларини юқори савияда бошқарди. Зеро, бундай масъулиятли ва таърихли учрашувлар юксак

ақл-заковат, мустаҳкам ирода, азму-ишқ, чуқур билим ва пухта жисмоний тайёргарликка эга мутахассисларгагина ишониб топширилади.

Р.Эрматов қатор халқаро спорт ташкилотлари, мутахассислар ва экспертлар томонидан дунёнинг энг адолатли ва таърибли ҳакамларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Жумладан, Осиё футбол конфедерацияси 2011 йил аёнларида кўра, ҳамюртимизни кўнатишнинг энг яхши ҳаками, деб

тоғди. Бу соврин ОФК шафелигида ташкил этиладиган футбол учрашувларини бошқарадиган ҳакамлар учун энг юксак эътирофдир. Р.Эрматов бу совринга кетма-кет тўрт мартаба сазовор бўлган ягона ҳакамдир.

Шунингдек, ҳамюртимиз футболга ихтисослашган яна бир интернет сайти — Euro-football.ru ташкил этган сўровда ҳам «Йилнинг энг яхши ҳаками» сифатида эътироф этилди.

ОДИЛ «АНЖИ»ДА ҲАМ ЭНГ ЯХШИ

Яқинда 2011 йилнинг энг яхши футболчиси, деб топилган Одил Аҳмедов Маҳачқалъанинг «Анжи» клуби томонидан ўтказилган сўровда ҳам энг кўп очко тўплашга эришди.

Клуб расмий сайтыда хабар қилинишича, уч турдан иборат овоз бериш жараёнининг клуб раҳбарияти ва мураббийлар штаби қатнашган сўнги босқичда Одил камерунлик Самуэль Это'О, россиялик Юрий Жирков ва марокшаллик Муборак Буссуфа каби жамоадорларини ортда қолдиришга муваффақ бўлган.

— Менга овоз берган барча мухлислардан миннатдорман. «Анжи» шарафини мавсум бошидан ҳимоя қилиб жамоадорларимни, улар эса мени анча яхшироқ тушуниб олди, — деди Одил журналистларга берган интервьюсида. Доғистонликлар устози Андрей Гордеевнинг таъкидлашича, юртдошимиз бу номга меҳнат ва маҳорати билан эришган.

— Гоҳида хайрон қолман: майдон ташқисига ҳеч кимга зиёни етказмайдиган, таъбир жоиз бўлса, беозор йилгити оёғига тўп тегиши билан ҳақиқий жангчи айланади, — дейди мураббий. — Боз устига унинг эндигона 24 ёшга тўлганини ёддан чиқармаслик керак. Бу эса футболчининг келажаги янада порлок эканлигини далиллатдир.



ТОҒЛИ ҲУДУДЛАРГА БОРМАГАНИНГИЗ МАЪҚУЛ

Мутахассислар 2012 йилнинг биринчи ҳафтаси ва кейинги ҳафта ўрталарига мамлакатимизда ўзгарувчан об-ҳаво кузатилса-да, ёғингарчилик бўлмаслигини таъкидламоқдалар. 6-9 январь кунлари эса баъзи ҳудудларга туман тушиши мумкин. Гидрометеорология маркази хабарига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, лекин ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат 6-7 январь кечаси 5-10, кундузи 0-5 даража совуқ, 8-10 январда эса 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлиши кутилмоқда. Бухоро ва Навоий вилоятларининг баъзи ҳудудларига туман тушади, шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, 6 январда вақти-вақти билан ёғимир ва қор ёғади.

Ҳарорат 6-8 январда 3-8, 9 январда эса 0-5 даража совуқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида термометр кўрсаткичлари 6-8 январь кунлари кечаси 3-8 даражани кўрсатади, 9 январда 0-5 даража совуқ, 6 январда кундузи 2 даража совуқ-3 даража илиқ, 7-9 январда 5-10 даража илиқ бўлади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, айрим жойларга туман тушади. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат 6-8 январда кечаси 3-8 даража, 9 январда 0-5 даража совуқ, 6 январда кундузи 0-5 даража совуқ бўлади, 7-9 январда 0-5 даража илиқ бўлади. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёғимир ва қор ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат 6-8 январда кечаси 3-8 даража, 9 январда 0-5 даража совуқ, 6 январда кундузи 2 даража совуқ-3 даража илиқ, 7-9 январда 2-7 даража илиқ бўлади.

Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, 6 январда қор ёғиши ва қор қўшиш хавфи бор. Айрим жойларда туман тушиб, Ҳарорат 6-8 январь кунлари кечаси 10-15, кундузи эса 0-5 даража совуқ бўлади.

2011 йилнинг охириги 11 та медали

ИСЛОМОБОД (ПОКИСТОН) ШАҲРИДА БОКС БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН НУФУЗЛИ ТУРНИРДА 6 ТА ОЛТИН, 3 ТА КУМУШ ВА 2 ТА БРОНЗА МЕДАЛНИ ҚўЛГА КИРИТГАН ЮРТОШЛАРИМИЗ БИРИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАБ, ЎЗБЕК БОКСИ НИМАЛАРГА ҚОДИР ЭКАНИНИ ЯНА БИР ҚАРРА НАМОЁН ЭТДИЛАР

Шухрат ХҲАЕВ,
«XXI ASR»

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, терма жамоамиз бош мураббийи Шароф Худойбердиев мазкур мусобақага таърибли боксчилардан ташқари, бир қатор ёш шогирдларига ҳам ўз иқтидорларини намойиш этиш имконини бериб хато қилмаган экан. 2011 йилги мавсумнинг сўнги турнирида иштирок этган 13 нафар боксчимизнинг 11 нафари сафардан совриндор сифатида қайтди.

Жумладан, ўтган йили Олимпия йўлланмасини қўлга киритган ҳамюртларимиз — Орзубек Шоимов (56 кг.) ва Элшод Расулов (81 кг.) ҳал қилувчи беллашувларда суриялик рақибларини доғда қолдирган бўлсалар, Фазлиддин Ғоибназаров (60 кг.) финалдаги рақиб — болгариялик боксчи рингга чиқа олмагани сабабли ўз вази тоифаси ғолиби сифатида эътироф этилди. Мусобақада 64 килолик боксчилар орасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Санжарбек Раҳмонов финалгача мезбон спортчи ва непаллик рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмаган бўлса, ҳал қилувчи жангда камерунлик чарм

қўлқоп устасини 38:25 ҳисобида енгиди.

69 ва 75 кг. вази тоифасида қатнашган боксчиларимиз ҳам иккита «олтин»ни қўлга киритдилар.

Энг аҳамиятлиси, ушбу йўналишдаги финал беллашувларида фақат ўзбекистонлик спортчилар иштирок этдилар. Бошқача айтганда, саралаш жанглариде Покистон, Мўғулистон, Кения, Сурия вакиллариин енгган Аббос Атоев ва Хуршид Норматов финалда жамоадорларни — Шухрат Абдуллаев ва Аҳмаджон Мамажонов билан беллашиб, шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилдилар.

Иккинчи ўрин, яъни кумуш медаль

Шухрат ва Аҳмаджондан сўнг финалга етиб келган Рустам Тўлагановга (91 кг.) насиб этди.

Яна икки нафар вакилимиз Жасур Латипов (52 кг.) ва Иззатилло Эргашев (+91 кг.) мусобақанинг бронза медалига сазовор бўлдилар.

Ишончимиз комилки, ана шундай турнирларда тобланаётган боксчиларимиз янги мавсумда ўтказиладиган Олимпия саралаш баҳсларида ҳам юқори натижаларга эришиб, шу кунгача мазкур мусобақада иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалар сонини ошириш ва «Лондон-2012» ўйинларида юртимиз байроғини баланд кўтаришга эришадилар.



реклама

Називин®

БУРУН ВА БУРУНЧАЛАР УЧУН

ОКСИМЕТАЗОЛИН

NYCOMED

- Катталар ва болалар учун ҳаётнинг биринчи кунлариданоқ қўллаш мумкин бўлган тумовга қарши препарат
- 12 соатгача таъсир кўрсатади
- Германияда ишлаб чиқарилади

Қўллаш учун кўрсатмалар:

- Тумов билан бирга кенчадиган ўткир респиратор касалликларни даволаш;
- Аллергия ринит;
- Вазомотор ринит;
- Бурун бўшлигининг турли қисмлари яллиғланишида дренажни теклаш учун, евстахийт, урта отитда;
- Бурун бўшлигини диагностика ўтказишдан аввал шунини бартараф этиш учун.

Ринитнинг оғирлигини қиёслаган ҳолда:

- Товар сертификатланган. Ринитнинг белгилари:
- Кўпчилик ҳолда ринитнинг оғирлигини қиёслаган ҳолда:
- Препаратни оғир ринитнинг оғирлигини қиёслаган ҳолда:

Мерк КГА Германия д/л Никомед

Називин қадоғининг янги дизайни

Йодомарин®

Калия йодид

Море всегда с тобой!

- Устраняет дефицит йода
- Повышает иммунитет
- Улучшает память и внимание

Состав: Йодомарин® 100 - содержит калия йодида 131 мкг (что соответствует 100 мкг йода). Йодомарин® 200 - содержит калия йодида 262 мкг (что соответствует 200 мкг йода).

Показания: Профилактика йоддефицитных заболеваний (для предотвращения йоддефицитных заболеваний и связанных с ними заболеваний, проживающих в районах с дефицитом йода в окружающей среде, в первую очередь у детей, подростков, беременных и кормящих женщин). Лечение диффузного токсического зоба.

Дозировка и профилактика зоба: Взрослым и детям - 50-100 мкг в сутки, подростки и взрослые - 100-200 мкг в сутки, беременные и кормящие женщины - 200 мкг, после операции по поводу зоба или после окончания медикаментозного лечения зоба по назначению врача - 100-200 мкг.

Противопоказания: при манифестной гипертиреозе; при латентном гипертиреозе в дозах, превышающих 150 мкг йода в сутки; при аутоиммунном зобе, а также врожденный и диффузный токсический зоб; щитовидной железы при применении в дозах от 300 до 1000 мкг йода в сутки (в исключительных случаях, когда препарат применяется с целью лечения щитовидной железы по назначению врача).

Форма выпуска: Йодомарин® - табл. по 100, 200 мг N 100 в упаковке.

Б-250-95 N 14003, 28.02.08 Б-250-95 N 18001, 28.02.08

BERLIN - CHEMIE MENARINI